

БАҲОРИНГИЗ МУБОРАК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашимиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-яна чиқиш.
30 АПРЕЛЬ 1967 й.
ЯҚШАБНА.
№ 102 (257).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик кунини, барча мамлакат ишчилар синфинини бирлик ва қардошлик кунини — 1 Май!

БАЙРАМ СОВГАЛАРИ

•Янги «зангори» кема

«Ташсельмаш» заводда «17 ХВ — 1,8» типдаги янги пахта териш машиниси оммавий ишлаб чиқаришга тайёрлаб қўйилди. Бу машина 90—90 сантиметр схемасида экиланган пахталарни теришга мўлжалланган.

Май ойида завод коллективи 50 та янги маркадаги машинани ишлаб чиқаради. Пахта териш мавсумига бундай машиналардан 2 мингдан ортиқ ишлаб чиқарилади. Янги машиналарнинг ҳаммаси Мирзачўлда янги ташкил қилинган колхоз ва совхозларга юборилади.

•Пахта терувчи машина

«ПХ—1,2» маркали машиналар аввалгиларига нисбатан тўқилган пахта тери тоза таради. Биринчи Май байрами арафасида «Ўзбексельмаш» заводи коллективи бундай машиналарни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қорхонада тўқилган пахталарни тарадиган янги «ПХП» машинисини ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Пахта териш мавсумига завод коллективи 1500 та «ПХН» ва 1000 та «ПХП» машинисини ишлаб чиқаради.

•Намуна маҳсулотлари

«Компрессор» заводи коллективи «ЗНФП—6» маркали компрессорларнинг тажриба намуналарини ишлаб чиқаришга киришди. Янги машиналар тўртинчи кварталда давлат компрессиясига топширилади.

•Марра яқин

Бу катта ўй учта блокдан ташкил топган. Унинг икки блокти ишлар ихтисосига этиказлиб, қўйилган сув келтирилмоқда. Бинонинг учинчи блокти пардозлаш ишлари давом этмоқда.

96 квартиралар иккинчи ўйин фойдаланишга топшириш арафасида турибди. Бу квартиралар Чилонзорнинг К-24 кварталда қўйилмоқда. Бу ўйлар фойдаланишга топширилиши билан молдавиялик бинокорлар Ўзбекистон пойтахтида ўй қўриб бериш юзасидан олган мажбуриятларини бажариб, тошкентликларга 6 минг квадрат метр ўй-жой ҳада қиладилар.

Молдавиялик қардошларнинг «Молдгипрострой» архетекторлари томонидан тузилган лойиҳа асосида 280 ўринли болалар боччаси ҳам шу кварталда қўйилади. Байрам арафасида молдавиялик бинокорлар болалар боччасининг пойдеворига ёшиқ қўйдилар.

•Геологлар шахарчаси

Икки хоналик қўлай ва чиройли ўйларда геологлар истиқомат қилишади. Бу ўйларни қўришда «Главташкентстройнинг 139-трести коллективининг хизмати баланд бўлди.

Кема бинокорлар геологлар учун ошхона биносини тиклаб фойдаланишга топширидилар. Бошиқа объектларда ҳам қўрилиш аж олмоқда.

•Тикувчилар муваффақияти

«Кизил тоғ» тикув фирмасининг коллективи Биринчи Май байрамини меҳнатда янги муваффақиятларни қўлга киритиш билан кутиб олмоқда. Тикувчилар йил бошидан буён ишлаб чиқаришга 16 та рационализаторлик таклифини жорий қилдилар. Бу йилда 36 минг сум иқтисод қилиш имкониятини берди. Апрель ойида ўтказилган махсулот сифатини яхшилаш ойлиги ҳам дуруст натижа берди. Қорхонанинг олтига цехи саратовликлар методи асосида ишлашга ўтиб, махсулотни бир йўла истеъмолчига топширмоқда.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси тўрт ойлик плани мuddатидан олдин бажариш ҳамда планга қўшимча тўрт минг сўмлик болалар, хотин-қизлар, эраклер палъосини тикиб, Урта Осиё республикалари ва Қозғистонга юбориш имконини берди.

•Тўрт ойлик план бажарилди

Автомобиль ва тош йўллар министрлигига қарашли 2-авторемонт заводининг коллективи байрам олди меҳнат вахтисида туриб ишлаб, тўрт ойлик плани мuddатидан олдин бажарди.

•Қўлай двигателъ

Трактор йиғув заводда «128Х4» маркали кафолат мuddати узайтирилган трактор давлат қўригидан ўтказилмоқда. Бу тракторга тўрт қаторли пахта териш машиниси ўрнатиб ишлатилади.

Келгуси йили завод янги двигателни оммавий ишлаб чиқаришга киришади.

ШАҲРИМИЗ ЖАМОЛИ

Кўп йиллардан буён шаҳарни бадий жиҳатдан беэаш юзасидан план тузилар, шаҳар қиёфасини ўзгиртириш юзасидан ҳар хил таклиф киритилар эди.

Шаҳримиз қайта қурилаётган, янги турар жой кварталлари, микрорайонлар барпо этилаётган ҳозирги вақтда уни бадий жиҳатдан беэаш, унга меҳнаткаш, Октябрь ғалабаларини улуғловчи шаҳарга, халқларнинг интернационал дўстлиги шахрига хос сифатлар бериш алоҳида аҳамиятга эга.

Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига шаҳарнинг марказий қисми — Революция тиебони, Керл Маркс кўчаси В. И. Ленин майдонига қадар беэатилди.

Революция тиебонида илмий коммунизм асосчиси К. Марксга ҳайкал ўрнатилди. Унинг авторлари ҳайкалтарош Рабичев ва архитекторлар, дан Адамов ҳамда Миршиченкодир.

Хиёбоннинг марказий сўйми йўқалари, Керл Маркс кўчаси Қизил майдонга қадар архитектура жиҳатдан бадий беэатилди. Унда ишчилар синфининг Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун қуралиш ўз ифодасини топади. Бу беэаклар В. И. Лениннинг улуғвор қиёфаси билан ақулланади.

Шумилов номили хиёбон кундан-кунга ахшилаиб бормоқда. У шаҳримизнинг энг гузал жойларидан бирига айланаётир. Хиёбонга кириваришда ақинда Н. В. Шумилова бағишлаб едгорлик ўрнатилади. Едгорлигининг ўзи металлдан, остки қисми гранитдан ишланади. Едгорлик содиқ Лениннинг битмас-туганмас қуч-ғайратини ифодаляди.

Октябрь 50 йиллиги арафасида шаҳримиздаги бирча тарихий жойларда революцион воқеаларга бағишлаб хотира едгорликлари ўрнатилади.

Шаҳар бадий кенгаши ҳайкалтарош ва рассома

ларнинг қардошлик қабристонларини қайта эхшилаш юзасидан таклифларини маъқуллади. Қабристонлардан темир панжара, гиштин деворлар олиб ташланади. Биринчи ўзбек генерали Совет Иттифоқи Қаҳрамони Собир Раҳимовнинг Хотира едгорлиги ўрнида ҳайкал ўрнатилади. Унинг композицияси машъал формасида ҳал этилади.

Уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқуловнинг номи республикамиздан узоқларда ҳам кенг маълум. Унинг хотирасини беэадийлаш мақсадида унинг номи қўйилган кўча ва Қатортол кўчалари учрашган жойда гранитдан етти метрлик ҳайкал ўрнатилади. У плуг ушлаган ҳолда ўйчан тасвирланади. Бу Х. Турсунқуловнинг умр бўйи пахтакор меҳнатини енгиллаштириш тўғрисида ғамхўрлик қилганлигини ифодаляди. Ҳайкал атрофи буталар билан ўрланади. Яшнуб турган бутадан пахта ва пахта териш машиниси ишланади. Маърифатпарвар шоир Фурқат хотирасига ҳам ҳайкал ўрнатилади. Бу ҳайкал савдо маркази тиебонининг ўрнатишда бўлади.

Яна бир янгилик шундан иборатки, шаҳримиз аҳолиси хиёбонлар йўқаларини нур билан чарогон ҳолда қўрадилар. Қизил, мовий, пушти ва бошиқа рангдаги чироқлар архитектура ишшоолари ва едгорликларни товлантириб туради.

Шаҳримизни ёритиш табиий беэакка ҳусн бўлиб қўшилиди. Кичкина бир мақолада шаҳримизни бадий жиҳатдан беэаш тўғрисида батафсил ҳикоя қилиш осон эмас. Лекин шу айтилганларнинг ўзиданок жонажон Тошкентимиз яқин келажакда бутун шарҳда энг гузал шаҳар бўлиб қолишига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

К. САЛОХИДИНОВ,
шаҳарнинг бош рассоми.

Пойтахтимиз меҳмонлари

БИР ЮЗ БИР КУН

Шаҳримизга Москва Давлат мюзик-холли атрлаштирилган бу спектакль шу гастрол ҳақида ҳикоя қилади. Санъаткорлар ўз гастролларини бошладилар.

Бундан бир неча йил илгари томошабинлар «Тик-так» деб аталган томошани кўрган эдилар. Эндиликда эса санъаткорлар «Парикнинг бир юз бир кун» деган томошани олиб келишди.

Коллективнинг Париждаги гастроллари жузда ҳам муваффақиятли бўлган эди. Гастрол чиндан ҳам бир юз бир кун давом этган.

Свердлов номили концерт залда намоиш қилинади.

Драматурглар Я. Костюковский, М. Сладободскийлар ажойиб концерт-спектакль ижод этишган. Саҳнада қўшиқлар ўрини рақслар эгаллайди. Шундан кейин мутойиба сўзлар қулдуси...

Жаҳон мамлакатлари бўйлаб гастролларда олқинларга сазовор бўлган Афанасий Белов, Лев Шмелов, Владимир Васильев, вом этади.

Сергей Васильев каби талантли артистларни томошабинлар қизгин кутиб олмоқдалар.

Москва мюзик-холлининг Тошкентдаги гастроллари байрам кунлари ҳам давом этади.

БИНОКОРЛАР СОВФАСИ


«Главташкентстрой» йаъга қарошли 5-хурдлик трестининг меҳнатсавар коллективи улуг айёмга муносиб совға тайёрлагани муваффақиятлар тилади.

Учрашуда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Курбанов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчинов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Э. Мирзавахмедов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалини қатнашдилар. (ЎзТАГ).

РЕВОЛЮЦИЯ ВЕТЕРАНЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Биринчи Май арафасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси номидан меҳнаткашларнинг халқаро байрами билан самимий кутлади. Ш. Р. Рашидов уларга сиқат-саломатлик ва ёш авлодини соғват ҳалқининг шонли традициялари руҳида тарбиялаш соҳасидаги ижтимоий фаолиятларида улар

га янги муваффақиятлар тилади. Учрашуда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Курбанов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчинов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Э. Мирзавахмедов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалини қатнашдилар. (ЎзТАГ).



ДИЛЛАРДА БАҲОР, ЭЛ-ЮРТДА БАҲОРИ

СУРАТДА: ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ РАҚС АНСАМБЛИ «БАҲОР», РОҲАТ РАҚСНИ ИЖРО ЭТАБИРИ.

М. Нуриддинов фотос.

